



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«Наманган шаҳар 1-сонли ДИМИ»  
директори

А.Қўзиёв

Наманган вилояти Наманган шаҳар Сохибкор МФЙ М.Эгамбердиев кўчаси 1-уйда жойлашган «Наманган шаҳар 1-ДИМИ» ўқув биносини ташқи қурилишини жорий таъмирлаш, ички йўллارни таъмирлаш ва ташқи деворларни қайта қуриш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

### 1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи

«Наманган шаҳар 1-ДИМИ»

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,

Наманган шаҳри Сохибкор МФЙ М.Эгамбердиев №1

Директор:

А.Қўзиёв

1.2. «Наманган шаҳар 1-ДИМИ»нинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун Наманган шаҳар ўқув биносини ташқи қурилишини жорий таъмирлаш, ички йўллارни таъмирлаш ва ташқи деворларни қайта қуриш ишлари хизмати билан 876 960 000 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада рус тилида келтирилган.

### 2. Танлов мақсади.

2.1. «Наманган вилояти Наманган шаҳар Сохибкор МФЙ М.Эгамбердиев кўчасида жойлашган «Наманган вилоят Наманган шаҳар 1-ДИМИ» ўқув биносини ташқи қурилишини жорий таъмирлаш, ички йўллارни таъмирлаш ва ташқи деворларни қайта қуриш ишлари бажарувчи корхонани саралаш бўйича

### 3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

### 4. Ижрочиға бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, “Наманган вилояти Наманган шаҳар Сохибкор МФЙ М.Эгамбердиев кучасида жойлашган” “Наманган вилоят Наманган шаҳар 1-ДИМИ” ўқув биносини ташқи қуринишини жорий таъмирлаш, ички йўллارни таъмирлаш ва ташқи деворларни қайта қуриш ишларини бажариши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат рўйхатидан утганлиги туғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари;

- Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот;

- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги туғрисида ҳужжатлар.

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;

- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

## 5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

## Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган вилояти Наманган шаҳар Соҳибкор МФЙ М.Эгамбердиев кучаси 1-уйда жойлашган “Наманган вилоят Наманган шаҳар 1-ДИМИ” ўқув биносини ташқи қуринишини жорий таъмирлаш, ички йўллارни таъмирлаш ва ташқи деворларни қайта қуриш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича	Жорий таъмирлаш